



20 20 у. « 29 » сентябрь № К-485

« » 20 г.

Узун тумани “Туркистон-Файзобод” ва
“Хурсанд” массивлари худудидан
“SURXON SHERXON BOG’I” фермер
хўжалигига “Молхона, бостирма ва
маъмурий бино” ва “Иссиқхона”
қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/634-сон йиғилиш баёни, Узун туман ҳокимининг 2020 йил 01 июндаги 01-05/191-сон ҳамда 2020 йил 14 августдаги 01-05/282-сон хатларини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/634-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани “Туркистон-Файзобод” ва “Хурсанд” массивлари худудидан “SURXON SHERXON BOG’I” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 181қ-дала контуридаги жами 2,0 гектар лалми ер шундан 0,20 гектари “Молхона, бостирма ва маъмурий бино” қурилиши учун 1,8 гектари “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SURXON SHERXON BOG’I” фермер хўжалиги бошлиғига:

иссиқхона қуриш учун ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. “SURXON SHERXON BOG’I” фермер хўжалиги томонидан “Молхона, бостирма ва маъмурий бино” қурилиши учун ажратиладиган 0,20 гектар ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 20 776 808 (йигирма миллион етти юз етмиш олти минг саккиз юз саккиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186га, беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминлансин.

5. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов